O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№
20 1000




# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

2000 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

• 15 сентябр, №38(3576) •


## «ЖАҲОН ДИНЛАРИ ТИНЧЛИК МАДАНИЯТИ ЙЎЛИДА» ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли дўстлар!

Сизларни турли дин ва миллатга мансуб инсонлар тинч-тотув ҳаёт кечираётган, маънавий юксаклик ва диний бағрикенглик қадимдан қарор топган гўзал ва бетакрор Ўзбекистон заминида муборакбод этишдан ғоят мамнунман.

Дин инсон руҳини поклаши, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаши, миллий қадрият ва анъаналарни асрашга хизмат қилиши билан ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Айниқса, инсоният мураккаб тараққиёт жараёнини бошидан кечираётган ҳозирги даврда диннинг турли халқлар ўртасида мулоқот ўрнатиш, уларни маънавий ва руҳий жиҳатдан яқинлаштириш, зулм ва зўравонликка қарши биргаликда курашга даъват этиш борасидаги аҳамияти беқиёсдир.

Бизнинг мамлакатимиз азал-азалдан қадимий динлар ривож топган макон сифатида дунё цивилизацияси тарихида алоҳида мавқега эга.

Бу муборак заминда бизнинг аждодларимиз бошқа дин вакилларига доимо ҳурмат билан қарагани, мана шу юрт озодлиги йўлида улар билан бирга кураш олиб боргани, елкадош бўлиб меҳнат қилганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Кўп миллатли Ватанимизда бугунги кунда ислом дини вакиллари билан бир қаторда ўн еттита диний конфессия вакиллари ёнма-ён яшаб, ҳамкорлик қилиб келаётгани барча динларнинг моҳияти эзгулик ва яхшиликка хизмат қилишдан иборатдир, деган кўҳна ҳақиқатнинг яна бир тасдиғидир.

Ўзбекистон турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасидаги қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

1995 йилда «Бир осмон остида» шиори билан ўтказилган мусулмон ва христиан динлари вакиллари ўртасидаги мулоқот, рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси ташкил этилганининг 125 йиллик юбилейи, Ўзбекистон евангель-лютеран жамоаси ташкил этилганининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар бу борадаги хайрли ишларнинг ёрқин намунасидир.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда одамларнинг динга бўлган самимий ихлос-эътиқодидан ўзининг ғаразли ниятларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқчи бўлаётган қора кучлар кўплаб халқлар бошига кулфатлар ёғдирмоқда. Бу барчамизни, энг аввало, сизларни, динни одамлар бахт-саодати ва ёруғ келажак учун хизмат қилдиришни ҳаётининг маъно-мазмуни деб билган инсонларни ташвишга солади, албатта.

Ишончим комилки, дунё жамоатчилиги, сиздек фидойи инсонлар асрлар мобайнида тинчлик, биродарлик ва ўзаро тотувликка хизмат қилиб келган динларнинг ёвуз террорчи ва экстремистик кучлар қўлида қуролга айланиб қолишига асло йўл қўймайди.

Дунёдаги энг улуғ ва энг азиз неъмат бўлган тинчликни асраш, бутун башариятни дўстлик ва биродарликда яшашга даъват этиш, одамларни олий мақсадлар сари бошлаш сизларнинг фаолиятингизда ҳам асосий ўрин тутиб келаётгани, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жаҳондаги ҳар бир инсонда чуқур ҳурмат туйғусини уйғотади.

Ушбу халқаро анжуманнинг тинчлик шиори остида, осойишталик, дўстлик ва биродарликни энг олий қадрият сифатида эъзозлаб келаётган ўзбек диёрида, ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтаётгани ҳам сизларнинг бугунги фаолиятингизга берилаётган ўзига хос юксак баҳо, десам муболаға бўлмайди.

Шу билан бирга жаҳондаги кўплаб нуфузли ташкилотлар вакиллари, таниқли дин ва маданият намояндалари иштирокида иш бошлаётган бу анжуман тараққийпарвар дунё жамоатчилигининг турли динлар ўртасидаги эзгу интилишларини барча халқларнинг муштарак мақсади бўлган тинчлик, биродарлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш масалаларига қаратаётганидан далолат беради.

Мана шундай олижаноб ишда барчангизга соғлик-саломатлик, ғайрат-шижоат, анжуман ишига муваффақият тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## «МИНГЙИЛЛИК САММИТИ»ДА

***«Замонавий таҳдидлар ва хатарлар БМТнинг барча тизимлари ва механизмларининг мураккаб воқелик ва унинг истиқболдаги ривожига динамик мувофиқлаштирилишини, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида янги ёндашувлар ишлаб чиқилишини тақозо этади».***

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти Ислом КАРИМОВнинг**
**БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқидан**

Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрў-эътибори тобора ошиб бораётгани, жаҳон ҳамжамиятига аъзо мамлакатларнинг давлатимизга ишончи ортаётгани, танлаган йўлимизнинг тўғрилигини, тараққиётнинг энг замонавий талаблари асосида иш юритаётганимизни тасдиқлаб турибди. Яқинда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг «Мингйиллик саммити» деб ном олган сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг сўзлаган нутқи қизғин қарши олингани, шунингдек, сафар давомида юртбошимизнинг АҚШ Президенти Билл Клинтон, АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт, Япония Бош вазири Иосиро Мори, Туркия раҳбари Аҳмет Неждет Сезер ва бошқа қатор давлатлар раҳбарлари билан учрашиб, суҳбатлашгани бунинг далилидир.

Юртбошимиз ўз нутқида бугунги кунда жаҳонда энг долзарб бўлиб турган бир қатор миллий ва дунёвий муаммоларга тўхталди. Хусусан, Президентимизнинг БМТга, БМТ Хавфсизлик Кенгашига ва халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилиб айтган қуйидаги фикрлари ғоят долзарб ва ҳозиржавобдир: «Афғонистонда давом этаётган уруш фақат Марказий Осиё минтақаси давлатлари хавфсизлигига эмас, балки бутун жаҳон хавфсизлигига ҳам таҳдиддир». Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Ғарб давлатлари ва халқаро ташкилотлар Афғонистон муаммосига деярли эътиборсиз қараб келмоқдалар. Ваҳоланки, афғон зиддиятининг таъсири бугунги кунда нафақат биз яшаб турган минтақада, шунингдек, АҚШда ҳам намоён бўлаётир.

Президент Ислом Каримов ўз нутқида бир қатор оламшумул ташаббус ва таклифларни ҳам ўртага ташлади. Жумладан, БМТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун Хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтириш, бу ташкилот ишида ривожланаётган мамлакатлар иштирокини кучайтириш, қуролли можароларнинг олдини олиш ёки уларни бостиришда Хавфсизлик Кенгаши ўта кескин чораларни қўллаши, хусусан, «муросага мажбурлаш» механизмини ишга солиш ҳуқуқига эга бўлиши зарурлиги борасидаги таклифлар шулар сирасидандир.

БМТ Бош Ассамблеясининг «Мингйиллик саммити» инсоният тарихидаги энг йирик олий даражадаги учрашув, дея таърифланди. Ана шу юксак минбардан Президентимиз Ислом Каримовнинг бутун дунё учун ғоятда долзарб бўлган ташаббусларни илгари сургани Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги нуфузи нақадар ошиб бораётганидан яна бир бор далолат бериб турибди. Айни ҳақиқат эса барчамизнинг қалбимизни фахр ва ғурур туйғулари билан тўлдирди.

## ЁРҚИН ВА УНУТИЛМАС СПОРТ БАЙРАМЛАРИ

Баъзан шундай бўлади: иккита қизиқарли мусобақа бир пайтда ўтказилиб, спорт мухлислари қайси бирини кузатишни билмай қийналиб қоладилар. Ўзбекистонлик спорт ишқибозлари бугундан бошлаб шундай ҳолга тушсалар ажабмас. Президентимиз кубоги учун ўтказилаётган теннис турнири баҳслари қизғин паллага кирган пайтда, узоқ Австралиянинг Сидней шаҳрида XX асрнинг сўнгги олимпиадаси старт олди.



**Татьяна КРАВЧЕНКО олган сурат.**

Теннис мамлакатимизда спортнинг нисбатан янги тури ҳисобланади. Аммо у қисқа фурсатда минглаб юртдрошларимизнинг қалбини ром этди. Бунда Президент кубоги учун ўтказилаётган турнирнинг роли беқиёс, албатта.

Душанба куни пойтахтимизнинг «Юнусобод» теннис мажмуида турнирнинг тантанали очилиш маросими бўлди. Унда юртбошимиз Ислом Каримов иштирок этди.

— Еттинчи бор ўтказилаётган Президент кубоги турнири спортнинг энг чиройли турларидан бири ҳисобланадиган катта теннисниг ёрқин ва унутилмас байрами бўлишига ишонаман. — деди Ислом Каримов. — Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бундай мусобақалар ва уларда экстра тоифадаги шундай маҳоратли ўйинчиларнинг иштирок этиши фақат Ўзбекистонда эмас, бутун Осиё минтақасида теннисннинг ривожланиши ва оммалашувига катта туртки бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, Президент кубоги турнирининг обрў-эътибори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни юртдошларимиз ҳам, мусобақа қатнашчилари ҳам бир овоздан эътироф этмоқдалар.

Турнирнинг биринчи ракеткаси Марат Сафин Тошкентга бироз кечикиб келди. Сабаби, у АҚШ очиқ чемпионатида қатнашди ва ғолиб чиқди. Бу ғалабадан сўнг Марат дунё теннис таснифида иккинчи ўринга кўтарилди. М.Сафин Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатлашиб, Ўзбекистон Президенти кубоги учун ўтказилаётган халқаро теннис турнири дунёдаги энг обрўли мусобақалар сирасига киришини таъкидлади. «Шунинг учун мен АҚШ очиқ чемпионати тугаши билан, дам ҳам олмасдан Тошкентга ошиқдим», деди Марат.

Тошкентда куз фасли бошланган бўлса, Австралияда авжи баҳор, бутун қитъа ям-яшил либосга бурканган. Бугун бутун дунё спорт ишқибозларининг нигоҳи шу юртга қаратилган. Сиднейда асримизнинг сўнгги олимпиада ўйинлари бошланди. Мусобақаларда 77 нафар ўзбекистонлик спортчи иштирок этмоқда. Бу озмикўпми? Олимпиадада жами 7 мингдан зиёд спортчилар иштирок этаётганини ҳисобга олсак, Ўзбекистон каттагина спорт делегацияси билан қатнашаётгани маълум бўлади. Аслида гап спортчиларнинг сонида ҳам эмас. Мусобақалар тақдирини спортчининг жисмоний тайёргарлигию иродаси ҳал қилади.

Биз боксчиларимиз, енгил атлетикачиларимиз ва байдаркачиларимизга катта умид боғлаганмиз. Спортчиларимиз мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш учун бор кучларини аямасликларига ишонамиз. Чунки ғолиб чиққан ўзбекистонлик спортчи фақат Олимпиада олтин медалининг эмас, 100 минг АҚШ долларининг ҳам соҳиби бўлади. Президентимиз Фармонига биноан Олимпиада ғолибларига 100 минг, кумуш медал соҳибларига 50 минг ва бронза медалига сазовор бўлганларга 25 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот берилади.

Олимпиада бошланди. Сидней узра Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграшига ишонамиз.

**Б.УЛУҒБЕК**

## АМЕРИКАДА ЎЗБЕКЧА КОНЦЕРТ

Лонг-Айланд театри ўзбекистонлик қўғирчоқ театри режиссёр ва актёрлари билан яхши ижодий ҳамкорликни йўлга қўйган. Шу йилнинг апрел ойида Лонг-Айланд қўғирчоқ театрида ўтган фестивалда Ўзтелерадиокомпания «Оқшом эртаклари» кўрсатувининг режиссёри Бахтиёр Ёдгорхўжаев, компаниянинг қўғирчоқбоз актрисаси Шоҳида Солиева, жумҳурият қўғирчоқ театрининг актёри Фатхулла Хўжаев қатнашиб, америкалик томошабинлар олқишига сазовор бўлгандилар. Ана шу ҳамкорликни давом эттирган ҳолда яқинда Лонг-Айланд театрида театр раҳбари Роман ва Элиза Вадесовлар ташаббуси билан Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган қўғирчоқ театрлари фестивали ўтказилди.

Фестивалга Ўзбекистондан яна бир гуруҳ қўғирчоқ театри актёрлари ўз спектакллари билан таклиф этилганлар. Улар орасида қўғирчоқбоз актёрлар Анвар Ниёзов ва Алишер Мирзағиёсов ҳам бор.

«Америкаликлар экзотикани жуда маъқул кўришади, — дейди актёрлар. — Шунинг учун бир ярим соатлик спектакл эмас, 45 минутлик миллий куйлардан, қўшиқлардан иборат қўғирчоқларнинг концерт дастурини таёрлаганмиз. Концерт инглиз тилида ижро этилади. Бизнинг чиқишларимизга Американинг «Стеклор» компанияси ҳомийлик қилмоқда».

**Саида СОТИМХОН қизи**


**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**

*Севимли газетангиз*

**«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»га 2001 йил учун обуна бошланди!**

Обуна баҳоси: якка обуначилар учун(нашр кўрсаткичи — **00222**) — бир йилга **2604 сўм**(Тошкент шаҳри учун).

Ташкилотлар учун(нашр кўрсаткичи — **00223**) — бир йилга **4056** сўм(Тошкент шаҳри учун).

**(Обуна баҳолари бошқа вилоятларда шу нархдан сал фарқ қилади).**

*ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!*






Бугунги сонда:

БИР АСАР ҲАҚИДА ИККИ ФИКР 3-бет

ШОИРНИНГ ЮРАГИ... 4-бет


## ИККИ ЙЎЛ БОР: ЁРУҒЛИК ВА ЗУЛМАТ

### Адашганлар учун инсонийликка қайтиш имкони яратилди

Ҳеч бир мавжудот ўз инини бузмайди. Инсон номини олиб юрганлар, мен одамман, деб одамгарчиликка даъво қилган айрим бетавфиқларнинг ўз Ватанида қўпорувчилик қилишини ҳеч тил билан, сўз билан ифодалаб бўлмайди. Эси-ҳушидан оққан, хаёлоти бўлиб қолган, руҳан мажруҳларгина бу ишга қўл уриши мумкин. Озод Ватанимиз, бунёдкор халқимиз осойишталигини бузмоқчи бўлган ғаламисларни мен ақлдан, идрокдан мосуво кимса, умуман олганда, тирикликка иснод келтирувчилар деб биламан. Ана шу ғаламислар онги, тушунчаси ҳали шаклланмаган ғўр ёшларимизни йўлдан уриш пайида бўлдилар.

Терроризм бошида турган олчоқлар, ватанфурушлар, тириклик кушандалари оғзидан она сути кетмаган ёшларимизни йўлдан уриб, ўз мақсадларига эришиш учун беҳисоб долларлар ваъда берсалар-да, лекин нима ишга қўл ураётганини маълум бир маънода англаётган ёшлар ҳам анчагина. Президентимиз ўз Ватанига қурол ўқталиш учун кимларнингдир найрангига учган ўсмирларни, ҳали қўли қонга ботмаган йигитларимизни афв қилиб, кечириб, ўз юртига қайтиши учун улкан имконият яратиб Фармон чиқардилар. Бу фармон ўз номи билан «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида» деб аталди. Ҳа, билиб-билмай жиноятга қўшилганлар яна бир марта авф этилди. Яъниким, кимки ўз қилмишидан пушаймон бўлса, йўлини йўқотганлигини ҳис этса, демак, Ўзбекистон уларни кечиради. Ўз ота-онаси бағрида, яқин биродарлари сафида тинч-тотув яшаши учун кафолат беради. Очиғи, баъзи бир ватандошларимиз қилмишидан минг карра пушаймон еб, адашганлигини кейин англаб, лекин юртга қайтиш чораларини тополмай, эл нафратидан қўрқиб аросатда — ўлим ва ҳаёт оралиғида жон ҳовучлаб яшаётган эдилар. Бу Фармон ана шундай кимсаларнинг бағрида ҳаётбахшлик оловини ёқди. Зимистон кўнглини ёритди. Шу билан бирга уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, жамики яқинлари кўнглига тасалли берди. Мана, Ўзбекистон қандай юрт. Мана, ўзбек халқи қандай халқ. Мана, Давлат раҳбари! Буни террорчи ёвузлар, уларнинг бошида турган раҳнамолари билиб қўйсинлар. Юртимиз эзгулик, тинчлик, яхшилик диёри. Биз ҳеч кимнинг беҳудага ўлиб кетишини, беҳудага қўли қон бўлишини истамаймиз. Президентимиз яна бир марта меҳр-шафқат кўрсатди, мурувват қилди, уларни аяди.

Биз олисни кўра биладиган, хулоса қилоладиган, вазиятни теран ва вазмин мушоҳада қилишга ўрганган халқмиз. Ва, бу халқнинг пешонасига ўз миллатининг барча эзгу-фазилатларини ўзида мужассам этган, қадим илдизларини юрагидан озиқлантирган Юртбоши ёзилди. У киши энг оғир дамларда ҳам воқеа тафсилотини чуқур ўрганадилар. 16 феврал воқеаларидан сўнг ҳам бу йўлда, яъни, қўпорувчилик йўлига ҳали айрим нарсаларни англаб-англамай адашиб кирган кимсалар борлигини тушуниб етдилар. Ўша чоғларда ҳам йўлдан тойганларни инсофга, диёнатга чақириб, кечирдилар. Ўшандан бери юртимизда икки мингдан ортиқ киши бу йўлга кириб хато қилганлигини англади. Ва, Президентимиз даъватига ишониб бош эгиб келдилар, тавба қилдилар. Айни дамда бугун улар ҳаётнинг барча жабҳаларида тинч-тотув меҳнат қилишмоқда. Улар бизнинг Ватанимиз, халқимизнинг нечоғли адолатли ва оққўнгил эканлигини чуқур англадилар. Чунки разолат гирдобидан қутқариб қолган Ватани ва халқи олдида бош эгиб, ўша халққа ўла-ўлгунча хизмат қилмасдан бўладими?! Бундай қилмаслик нонкўрлик эмасми?!

Куни кечаги Фармонда ҳам экстремистик тўдаларга қўшилиб қолган, аммо нима қилиб қўйганини англаб пушаймон еяётганлар кечирилди. Демак, биз улардан умид қиламиз. Халқингга қайт деймиз. Ватанингга қайт деймиз. Оиланг бағрига қайт деймиз. Қайси бир гўрда, пана-пасқам жойда сиғинди бўлиб юрма, дараурда ўлигинг қолиб кетмасин, деймиз. Шу халқ сеники. Шу Ватан сеники. Унинг тузлиғига тупурма, кўзингни оч деймиз.

Тўғри, одам ўзининг алданганини сезгандан кейин ҳақоратли бир аҳволга тушиб қолади. Аммо ана шундай оғир ҳолатда қолган кишига мурувват кўрсатиш эса энг буюк инсонийликдир. Бу ўша кишиларни ҳаётга қайтариш билан баробар. Бир эсланг, ўша 16 февралдаги машъум воқеалардан кейин Йўлбошчимиз бу йўлга адашиб кирганларни ҳуқуқ-тартибот органларига келиб товба-тазарру қилишларига йўл очиб берди. Тошкентлик Баҳром Раҳимов, Мирзоҳид Алимов сингари адашганлар куни кеча телевидение орқали чиқиб ўз йўлини топиб олгани, энди минбад бундай номаъқулчилик қилмасликларини айтишди. Ҳатто улар бугун халқимиз сафида меҳнат қилишмоқда. Ҳеч ким уларнинг кўкрагидан итаргани йўқ. Ҳеч ким уларга ёв қараш билан боқаётгани йўқ. Ана, ишласа, яшаса, манфаатли юмушлар билан банд бўлса бўлар экан-ку! Улар қайтиб келмаганда нима бўлар эди? Уларнинг ҳоли нима кечар эди? Табиийки, босқинчи тўдалар сафида туриб, тоғма-тоғ, қирма-қир изғишарди. Алал-оқибат ит ўлимини топишарди. Куни кеча «Ахборот» дастурини кўриб юрагим эзилиб кетди. Нилуфар Пўлатова деган аёл ўз эрини бир йилдан бери кутаётгани, уни каллакесар-террорчилар айнитиб, ўз сафига қўшганини куюниб гапирди. У илтижо қилди. Фарзандлари ва ўз номидан эрига инсоф тилади. Мазкур Фармоннинг аёл учун бугун ҳаёт-мамот, оиласи тир-тўзғиб кетмаслиги учун қутлуғ бир хушхабар эканлигини бот-бот такрорлади. Бу гапларни эшитгач, ахир, тош ҳам эриб кетади.

Адашганлар!

Эй, ёшлар!

Сиз қайси давлатга ўқ отаяпсиз? Сиз қайси халққа ҳамла қилаяпсиз? Кўзингизни очинг? Бузилиб бўлган, ваҳшийлашган тўдалардан йироқ бўлинг. Қўрқманг, агар юрагингизда пушаймонлик ўти ёнаётган бўлса, юртга қайтинг, бунда сизни ҳеч ким хўрламайди, ҳақоратламайди. Фақат шу Ватандан бошқа жойда бахт-саодат йўқлигини билсангиз кифоя. Буни руҳияти ўлмаганлар, тирик мурдага айланмаганлар англайди. Отасига, онасига, оиласига қурол ўқталган тўдабошингиздан сиз нимани ўрнак оласиз? Уларнинг ўлими муқаррар. Улар ўз сафига сизни ҳам тортмоқчи. Халқимиз, давлатимиз раҳбарияти ана шу ўйдан оғриқ туймоқда. Ҳали кеч эмас, юртга қайтинг.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

## ОЛЛОҲНИНГ ҚАҲРИГА УЧРАЙДИ

*Муносабат*

Оналарнинг кўз ёшини оқизган, оталарнинг қаддини абгор, жигарини хун қилган Оллоҳнинг қаҳрига учраши муқаррар.

Келинчакларни бева, бахтини қаро қилган, гўдакларни қон қақшатган Оллоҳнинг қаҳрига учраши муқаррар.

Ўзини мусулмон атаб мусулмонларни ўлдирган, халқ бошига кулфат солган Оллоҳнинг қаҳрига учраши муқаррар.

Битта одамни, ўнта одамни, катта лашкарни енгиш мумкиндир, аммо халқни енгиб бўлмайди.

Мустақиллик фидойилик, қийин синовлар билан камол топади. Бугун халқимиз яна бир синовдан ўтяпти.

Саросима ва ваҳима заифлик белгиси. Шу боис малъунларга қарши вазминлик ва матонат билан курашмоқ лозим.

Ёвуз ниятли кимсаларнинг қўлидан ҳеч нарса келмаслиги муқаррар! Бинобарин, навбатдаги бу синовдан ҳам муваффақиятли ўтамиз.

Халқнинг қарғишига қолган Оллоҳнинг қаҳрига учраши муқаррар!

**Фарҳод МУСАЖОН**

## АДИБНИНГ ЕТМИШ ЁШИ

Қорақалпоқ адабиётининг ривожида таниқли ёзувчи Тўлапберган Қаипбергановнинг ўз ўрни, муносиб хизматлари бор. Ўтган шанба куни Нукус шаҳрида адиб таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофоти соҳиби Тўлапберган Қаипбергановнинг «Маманбий афсонаси», «Бахтсизлар» ва «Гумроҳлар» романларидан иборат «Қорақалпоқ достони» трилогиясида қорақалпоқ халқининг машаққатли ўтмиши ҳаққоний ёритилган. Ёзувчи қаламига мансуб бошқа драматик ва публицистик асарлар ҳам кенг китобхонлар оммасига яхши маълум.

Тантанали кечада сўзга чиққанлар Т. Қаипбергaнов ижоди ва ижтимоий фаолиятининг ибратли жиҳатлари ҳақида сўзладилар. Кечани Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси А. Тожиев очди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Мелибоев адибни қутлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов адибнинг асарлари, унинг Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси сифатида олиб бораётган ишлари тўғрисида гапирди.

Бухорода ўтган ўзбек миллий филмлари III фестивали кунлари вилоятнинг Жондор туманида ҳам томошабинлар билан учрашувлар ўтказдик. Шунда ҳамроҳларимиздан бири шу туманда бир ёш шоир бор, деб қолди. Суриштирдик. У 32-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Суҳроб Шеров экан. Суҳробдан шеърлар эшитдик. Унинг шеърларидаги самимият, юртга, миллатга, халққа муҳаббат туйғулари ҳаммамизни ром этди. Суҳробнинг шеър ўқиш усули ҳам тингловчини лоқайд қолдирмасди.

Беш ёшиданоқ шеърлар машқ қила бошлаган Суҳроб «Қишлоғим» ва «Ватан туйғуси» деб номланган шеърий тўпламларини чиқаришга улгурибди.

Ўйлайманки, Суҳробжон халқимиз ардоқлайдиган



шоир бўлиб етишади. Илоҳим кўз тегмасин.

**Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ**

**Суҳроб ШЕРОВ**

# БОБОЛАР ОРЗУСИ УШАЛДИ

**Ғуруримиз ўзгача бугун,**
**Сururимиз ўзгача буткул.**
**Бахт қушининг қўнганлиги чин,**
**Ахир, Ватан бўлди мустақил.**

**Момолар дуоси бўлди ижобат,**
**Боболар орзуси ушалди, шукур.**
**Мен сени қутлайин, айла ижозат,**
**Ватан, озодлигинг олий бахт эрур.**

**Сен менинг шонимсан, Ватан — Онажон,**
**Бир содиқ ўғлингман, ҳур кўнглинг тўлсин.**
**Кўзим қароғида эй, Ўзбекистон,**
**Муборак кунларинг муборак бўлсин!**

* * *

**Кўрқоқлик ожизлик аломатидир,**
**Хасислик — ёмонликнинг томири.**
**Саховат Оллоҳнинг кароматидир,**
**Садоқатга боғлиқ замин тақдири.**

**Шу Ватанни севмак бизларга шараф,**
**Сўзингдан билинур хулқинг, атворинг.**
**Юргин сен сўзингга, ўзингга қараб,**
**Ўзбеклик — ифтихор, мўминлик — оринг.**

**Ватанга содиқлик қалбингда бўлсин,**
**Шу орни сақлагил, абадул абад.**
**Ватан равнақига ёш кўнглинг тўлсин,**
**Қалбни тарк этмасин юртга муҳаббат!**

* * *

**Сенга олқиш бўлсин,**
**Меҳрибон Ватан,**
**Боболардан мерос**
**Ўзинг ягонам.**

**Сенга иқбол кулсин,**
**Жонажон Ватан,**
**Менинг ардоқлигим**
**Ўзингсан, онам.**

**Гарчи шеърим содда,**
**Содда забоним,**
**Сен менинг шонимсан,**
**Моҳитобоним.**

**Имонсан покиза,**
**Боқий, барқарор,**
**Менинг она юртим,**
**Ўзбекистоним!**

**Усмон АЗИМ:**

# «ШОИРНИНГ ЮРАГИ

## чолғунинг торидек титраб турсин...»



**— Усмон ака, «Ўзбекистон халқ шоири» унвони муборак бўлсин.**

— Қуллуқ.

***— Ҳурсандмисиз?***

— Бундай пайтда «хурсанд бўлмадим» деган одам ёлғон гапиради. Ҳурсандман. Мени иззат қилганларни, худо иззат қилсин.

**— Энди суҳбатимизга ўтсак... Мана, сиз 50 ёшга ҳам кирдингиз. Ҳаёт ўтган сайин кишининг дунёқараши ўзгаради. Шунга кўра, унинг қизиқишлари, дидии, ҳатто фаолияти, яшаш тарзи ҳам ўзгариб боради. Мана шу ҳодиса ёзувчида қандай кечади? Маиший ҳаёти эмас, ёзувчининг ижодий ҳаёти кўзда тутиляпти. Зотан, ёзувчининг яшаш тарзи фақат адабиётдир.**

— Албатта, одамнинг умр фасллари билан боғлиқ ўзгаришлар бор. Ёзувчининг ижоди ҳам умрига ёндош тарзда ўсади, гуллайди, мева беради ва унга ҳам бир кун хазонлик етади.

Агар эътибор берган бўлсангиз, ўртамиёна адиб ижодида бундай юксалиш даври фақат бир марта кечади. Улар ички қувватларини (энергияларини) тез сарфлаб, тез сўнадилар. Улар бир марта топган ва ўзлари учун қулай ҳамда осон бўлиб қолган услуб доирасидан четга чиқишга журъат қилолмайдилар. Улкан адиблар ҳаётида эса юксалиш, аксинча, бир эмас, бир неча марта кечади. Улардаги улкан истеъдод қуввати руҳнинг қатида пинҳона ётган янги-янги оламларни ўзи ҳам кутмаган тарзда кашф этаверади. Уларга эскича ёзиш зерикарли туюлади. Улар жуда кўп марта ўз руҳлари ва юракларининг Колумблари бўладилар. Улар тўхтовсиз янгиланиб турадилар ва ўзлари очган қитъада ўқувчилар қаршисида янги қиёфада — кутилмаган сифатларда намоён бўладилар. Бошқача қилиб айтсак, бу тоифа ёзувчилар ўзларини бир неча марта «синдирадилар» ва бир неча бор қайтадан барпо этадилар. Уларнинг ижодий йўлида, албатта, бир қадар бир-бирининг давоми бўлган, шу билан бирга ўзгача сифатли бир неча «янги адиб» яралади. Бундай ёзувчи билан йўлдошлик қилган ўқувчи бир хилликдан зерикмайди. У ҳамиша янги ва кутилмаган бўлади.

Уильям Фолкнердан замондошлари орасидан бешта энг яхши ёзувчи номини айтишни сўрашганда, у қуйидаги рўйхатни келтирган экан:

«Томас Вулф — бу инсон буюк жасорат эгаси бўлган..., Фолкнер, Дос Пасос, Хемингуэй — у жасур эмас, ҳеч қачон юпқа музга оёқ босмаган... , Стейнбек...»

Фолкнер бу ўринда ўша ўзини қайта-қайта кашф этиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳақиқатдан ҳам улкан адибларга ўзига хос баҳо беради. Шунинг учун ҳам ижодида ҳамиша адабиёт учун номаълум чегараларга интилган Вулфни биринчи ўринга қўяди. Чиндан ҳам, Адабиёт нуқтаи назаридан, бу адибнинг асарлари ҳануз сирли ва маҳобатлидир.

Энди, юқоридаги гаплардан келиб чиқиб, ҳақиқий ижодкорга хос яна тўртта фазилатни айтиб ўтмоқчиман:

*— ёзувчи руҳида ботин кечган юксалишлар туфайли ўзининг ижодини кейинги асарлари билан рад этишга уринади. Бу жуда муҳим сифат.*

*— ижодий мағлубиятдан қўрқмайди. Кўпинча, ёзувчининг архивида қолиб кетадиган «мағлубият» бебаҳо тажриба ҳамдир. У ижодкорнинг бўлғуси ютуқларини таъминлайди.*

*— катта ижодкор «сершох» бўлади. Унга бир жанр доираси ҳамиша торлик қилади. Ўзининг «мен»ини ифодалаш учун имкониятлар қидиради ва «бегона» жанрларга ҳам тап тортмай кириб боради.*

*— ўзига ишонч ва шубҳа ҳақиқий ижодкорнинг доимий ҳамроҳи бўлади. Ишонч — янги асарлар яратишга туртки берса, шубҳа — асарнинг сифатини таъминлайди.*

**— Ёзувчининг масъулиятини қандай изоҳлайсиз? Илк шеърингиз қачон эълон қилинган? Ўшанда сиз шоирлик масъулиятини ҳис этганмисиз?**

— Мен, ҳар ҳолда, талабалик йилларимда шеър эълон қилишга журъат этмаганман. Умуман, ҳозир тилга олинаётган мен тенги шоирларнинг деярли ҳаммаси йигирма беш ёшлари атрофида илк «нарса»ларини эълон қилганлар. Ҳозир, олисдан қараб, бу ҳолни масъулият деб баҳоласак ҳам бўлади. Албатта, ўша пайтда ҳам атрофимизда битта-ярим ёзганларини эълон қилиб, адабиётга «киришга» шошганлар ҳам бўлган. ёшликда шоир деб ном кўтариб юриш мароқли-да! Аммо уларнинг кўпчилиги номини ҳозир мутахассислар ҳам билмайди.

Ўзимга келсам, илк шеърим йигирма тўрт ёшимда — армияда юрган чоғимда — эълон қилинган. «Мен сени ҳеч кимга бермайман» деб аталадиган бу шеърни беш-олти йилдан буён машҳур хонандамиз Кумуш Раззоқова қўшиқ қилиб ижро этадилар.

Албатта, ёш шоир шеърларини қайси ёшида эълон қилиши керак деган тортишув кулгили. Чунки ҳамма нарсани шоирнинг шаклланиш даражаси ҳал қилади. Аммо бир нарса шубҳасиз — ҳамма ижодкорда кечадиган ҳаваскорлик даври ўқувчи назаридан четда қолгани маъқул. Бу, бир тарафдан,ёш ижодкорнинг ўзига талабчанлигини сусайтириб юборишдан сақласа, иккинчи тарафдан, унинг номи билан ҳақиқий шеърхоннинг ғашига тегувчи ҳол рўй бермаслигини таъминлайди. Ўқувчи олдида бир марта обрў тушгандан кейин, уни тиклаб олиш доим қийин кечади. Ўзининг қадрини билган ёзувчилар ижод масъулиятини ёшликдан ҳис қиладилар.

***— Ҳозирги кунда бу масъулиятни ҳис қилиш бироз сусайгандай туюлмаяптими сизга?***

— Туйилаяпти. Биз яхши асарларни ёзиш йўлида изчил фаолият олиб бормаяпмиз. Келажакда буюк мамлакат қуришни орзу қилаётган эканмиз, маданиятимизнинг, тарихимизнинг ва истиқболимизнинг обрўсига мос китоблар чиқаришни ўрганишимиз лозимга ўхшайди. Бунинг учун ҳозирданоқ енг шимариб, халқ ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш тутмоғимиз лозим. Чунки ҳар бир халқ ўз маданиятини ва маънавиятини доим муҳофаза қилиб келган. Адабиётга ҳозир бир қадар муҳофаза керакдай.

Санъатнинг баъзи соҳаларида бу муҳафаза бор ва у ўзининг яхши натижаларини беряпти. Масалан, киночилар давлатимиз ҳомийлигида бир йилда олтита бадиий, қирқта ҳужжатли филм оляптилар.

Менимча, ҳозир адабиётга ҳам шундай қадамлар керак.

***— Феълингизда бадиий асарларни баҳолашда қаттиққўллик, шафқатсизлик бор. Баъзан андишани ҳам унутиб қўясиз...***

— Андишанинг номи — қўрқоқлик эмас. Айримлар Навоийдай буюк бобомизнинг руҳидан чўчимасдан «асар»лар яратаётганларида, мен андиша сақлашим керакми? Адабиётимиздаги кўп муаммолар шу «андишамиз» билан боғлиқ. Ҳақиқий адабиётни қалбаки қоғозбўямачилик билан яратиб бўлмайди. Биз тўғри гапни айтишдан шунчалар йироқлашдикки, баъзида бунинг натижасида «оқни — оқ, қорани — қора» дейиш бизга ғайритабиий туюлиб қолаяпти.

***— Бугунги ёшлар ижодига муносабатингиз қандай?***

— У нимага лойиқ бўлса, шундай.

**— Назаримда, ёшлар ижоди ҳақида сўзлашни унча хушламайсиз. Сўзласангиз ҳам, уларни менсимасдан гапирасиз. Нега улар ҳақида бирор-бир илиқ гап айтмайсиз?**

— Сизлар мени ҳамма ёшларга қарши қўйманглар-да. Ҳаммани бир қолипда ўлчаб ҳам, адабиётда мақтовни сўраб олиб ҳам бўлмайди. Нима дедингиз? Энди, биласиз, мақтов «ҳамма ёшларга» ёки «ҳамма қарилар»га айтилмайди. Гарчи ўнғай бўлиши учун бундай терминларни ишлатиб турсак ҳам. Аслида, Адабиётни маълум бир ёшдаги одамлар тўдаси(«авлод» деймизми?) эмас, балки алоҳида-алоҳида шахслар яратади. Шу сабабдан «қариялар» орасидан ҳам, «ёшлар» орасидан ҳам ҳурмат қиладиганларим кўп. Яхшилаб суриштирсангиз, улар номини топиб оласиз. Аммо танангизда жон бор, барчанинг ёзганини бараварига — ёппасига ҳурмат қилиш қўлимдан келмайди. Ҳатто улар ёш бўлса ҳам. Истеъдодли одамнинг ёшу қариси бўлмагандай, истеъдодсизнинг ҳам ёшу қариси бўлмайди. Ҳаммага ёқишдан осони борми? Кўрганни «даҳосан» деб, ўтиб кетаверасан-да.

Келинг, яхшиси, ёш ёзувчиларимизга ўзларига талабчанлик лозимлигини айтайлик. Адабиёт завқли, шу билан бирга оғир меҳнат эканлигидан уларни огоҳ этайлик. Ёзувчилик — истеъдодли ва ҳалол меҳнатнинг иши эканлигини уқтирайлик. Ижодкорнинг меҳнат қилиш маданияти, изланиш маданияти ҳақида сўз юритайлик. Руҳ ва Юрак билан яшаш йўлларини излайлик... Буларни бир қадар ўзлаштириб олсак, мақтовга зор бўлиб юрмаймиз ва аллақандай Усмон Азимнинг гапига парво ҳам қилмаймиз.

***— «Меҳнат қилиш маданияти» деган иборани ишлатдингиз. Бунинг маъносини кенгроқ изоҳлаб берсангиз?***

— Бу мавзу — алоҳида суҳбатга арзирли даражада жуда кенг.

Аммо ҳозир икки нарсани ажратиб айтаман. Аввало ижод қилиш ҳаётини тартибга солиш керак. Дунёдаги ҳамма меҳнат палапартишликни эмас, интизомни яхши кўради. Эринчоқлик билан қаттиқ курашмоқ ва бир тоифа зиёлиларимизга хос бўлган бу касалликдан ҳар куни, ҳар лаҳза қутилиб турмоқ лозим. Шоир юраги ва руҳининг энг олис чегараларига ҳам етиб боришга тўхтовсиз уринмоғи зарур. Юксак даражада ижод қилишнинг ўзи аста-аста бу чегараларга олиб келади. Шоир бу чегаралардан ўтиб келаётган ҳар бир садони илғамоққа тайёр турмоғи шарт. Унинг юраги узлуксиз титраб турмоғи — созланиб, ҳозир чалинишга тайёр чолғунинг торидек сал шабада тегса, садо таратадиган даражага етмоғи керак. Бу мастона кайфият, доимий кайфиятга айланмоғини ижодкор орзу қилса ва бу йўлда ҳаракат қилса, маъқул иш бўлади.

Иккинчи гап. Муттасил ўқиб-ўрганиш ижодкор меҳнати маданиятининг ажралмас қисмидир. Ўқиб-ўрганиш ҳам ёзиш билан ёнма-ён, тўхтовсиз давом этиши керак.

Ҳамма биладиган бир воқеа бор. Бу воқеа тахминан шундай:

Буюклардан бири эрта-индин қазоси етганини билгач, китоб ўқишга тушибди.

— Ахир, эртага ўлсанг, нега китоб ўқияпсан? — дебди дўстларидан бири ажабланиб.

— Ўлганимдан кейин қачон ўқийман? — дебди дўстидан баттар ажабланган буюк зот.

Малларме «дунё китобга кириш учун яратилган» дейди. Китобларга кирган бу дунёлардан баҳраманд бўлиш — истеъдодни эскитмайди. Яхши китоб билан учрашмоқ — байрам. Бу байрамга баъзан излаб-қидириб эришмоқ, у билан узоқ вақт кўришмаган азиз одам билан кўришгандай учрашмоқ керак...

***— Мана, сиз театр соҳасида ҳам ижод қиласиз. Шеърларингизда ҳам театр мавзуси кўп учрайди. Бунинг сабаби нимада?***

— Мен аслида ишқибоз одамман. Ёшлигимда санъатнинг деярли ҳамма соҳасига қизиққанман. Аммо театр... Мабодо шоир бўлмаганимда, театр одами бўлар эдим. Ўқувчилик пайтимда — пахтада бир ўзим рол ўйнаб, болаларга спектакл кўрсатиб юрардим.

«Шоҳ Эдип» спектакли чиққанда, деярли қаторасига ўн бир марта кирганман. Шукур Бурҳон!.. Мен уни ҳозир ҳам жаҳонда тенги йўқ актёр деб биламан.

Драматурглигимга келсак, ўйналган-ўйналмаган асарларимнинг деярли ҳаммаси кейинги икки-уч йил ичида ёзилди. Бу соҳада менга турткм бўлган одамлардан бири катта санъаткор Баҳодир Йўлдошев. У билан узоқ давом этган мулоқатларимиз, унинг театри ҳавосидан нафас олиш менга кўп нарса берди. Театрга яқинлашувимга сабабчи бўлган иккинчи одам — Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Абдуқундузов. У киши мени Чўлпон ҳақида асар ёзишга ундадилар ва ёзилганча қўймадилар. Охир-оқибат «Кундузсиз кечалар» спектаклида Чўлпон образини таъсирли бир тарзда ижро этдилар. Режиссёр Валижон Умаров билан танишувим ва ҳамкорлик қилганим эса театрдаги энг бахтли учрашувларимдан биридир. У киши «Кундузсиз кечалар» ва «Алпомишнинг қайтиши» драмаларимни саҳнага қўйдилар. Мен у кишидан жуда розиман.

Театрга келишим, назаримда, тасодиф эмас. Шеърларимга қарасангиз, драматургия унсурларини кўп учратасиз. Достонларимнинг кўпчилиги ҳам драматик... Умуман, шоирларнинг драматургия билан шуғулланиши табиий бир ҳол. Адабиётнинг бошдан оёғи бунга мисол бўлолади. Фақат иймантирадиган ўринлари бор. Масалан, шоир ёлғиз ижод қилади. Спектакл — жамоа ижоди. Баъзан бир нарсани йўқотиб қўяётгандай чўчийсан. Ростдан ҳам баъзан катта йўқотишлар бўлади. Аммо шунга яраша улкан топишлар ҳам бор.

Адабиётнинг бошқа жанрида ишлаб, ном қозонган ёзувчининг театрга кириши — унинг учун бир қадар хатарли. Чехов драма ёзган акасига, у каби савияда ёзадиганлар театр атрофида тиқилиб ётганини, четдан борадиганлар театрга генерал бўлиб кириши зарурлигини уқтиради. Бу гапнинг маъноси улкан. Четдан борган одамдан театр мўъжиза кутади.

Аммо, ростини айтсам, мен бу гапларни бироз тажриба тўплаб, ортимга қараб айтаяпман. Драмаларни ёзишга келсак, одамлар ваҳима қилганидай, қийин иш эмас. Шеър қандай ёзилса, шундай ёзилаверади. Ўша қийноқ, ўша завқ... Фақат драма — узунроқ шеърга ўхшайди.

***— Кинодаги фаолиятингиз ҳақида тўхталсангиз?***

— Кинога киришимга ҳам икки одам сабаб бўлган. Бири — режиссёр Исамат Эргашев. У киши «Севги» деган ҳикоям асосида филм оламан деб туриб олдилар. Бу орада киночиларнинг раиси Темурмалик Юнусов «Алпомиш» филмига муаллифлик қилишга таклиф қилдилар. Кинога аралашиб қолганим тўлиғича шу икки катта санъаткорнинг хизмати.

Умуман кино ва театр билан шуғулланиш менга кўп нарса берди. Бу соҳаларда ҳам санъатни тақдир деб биладиган одамлар кўп экан ва улар билан ишлаш жуда мароқли кечди. Уларнинг очиқ кўнгилликлари туфайли бўлса керак, кинода ҳам бирор-бир зўриқиш сезмадим.

***— Матбуотда насрий асарларингиз ҳам эълон қилинган. Ҳозир ҳам проза ёзаяпсизми?***

— Ҳикоялар, эсселар ёзганман. Бундан кейин ёзадиган кўп асарларимни насрда қоралагим келади. Дилимга тугиб қўйган нарсаларим жуда кўп. Шу кунларда ҳам насрда бир нарса ёзишга ҳаракат қилаяпман. Аммо, рости, шеърият «қўйиб» юбормаяпти. Ишлашга ўтирсам, ўз-ўзидан шеър келади...

***— Шеър, драматургия, кино, наср... — буларнинг ҳаммаси битта ижодкорга оғирлик қилмайдими? Бу жанрлар ижодий фаолиятда бир-бирига халақит бермайдими?***

— Халақит бермайди, бир-бирини тўлдиради. Турли жанрларни бир қадар ўзлаштирганим дилимдаги гапларни тўлиқроқ, мукаммалроқ айтишга имконият берди.

**Суҳбатдошлар: Рустам МУСУРМОН, Жумагул СУВОН қизи**

ЯНГИ РУКН:

## Дунё кенг...

***Улуғ шоиримиз Миртемирнинг «Биби Марям» шеърида шундай шоҳ мисра бор:***

*Дунё кенг, бибижон, кўзлар илғамас...*

***Ҳа, дунё чиндан ҳам кенг. Унда турли-туман воқеа-ҳодисалар, ажойибот-ғаройиботлар, табиат мўъжизалари бисёр. Уларнинг барчасини дафъатан қамраб олиб бўлмайди, албатта. Жамият ва табиатнинг сир-синоатлари, инсон тафаккури самараси бўлган мўъжизалар, улуғ ва ажиб инсоний тақдирлар, уларнинг аъмоллари кўпчиликни қизиқтириши турган гап...***

***Янги «Дунё — кенг...» рукнимиз шу ҳодисотлар ҳақида ҳикоя қилади.***

## ТАБИАТНИНГ ҒАРОЙИБ «КАШТАЛАРИ»

Бундай «кашталар»ни фанда пиктограммалар дейишади. 2000 йилнинг август ойида Англиянинг ўтлоқзорларида катта-катта майдонларга ўт-ўланни бир тарафга жуда силлиқ ётқизиб «чизилган» доира шаклидаги улкан «кашталар» одамларни ҳайратга солди. Бу мўъжизаларнинг ғаройиблиги шундаки, кенг ўтлоқзор ёки ғаллазорда бундай улкан бенуқсон нақшларни солиш нафақат бирор-бир бекорчининг хаёлига келади, балки бу «ижод»ни техника ёрдамида ҳам амалга ошириб бўлмайди. Яна шуки, айни «кашталар» тушган жой теварагида турли хил жониворларнинг нобуд бўлгани кузатилган...

Хуллас, табиатнинг бу ғаройиб ҳодисаси Ер юзининг турли нуқталарида пайдо бўлиб турибди. Бировлар уни ўзга сайёраликлар «кароматлари» деб «учар ликопча»ларга боғласа, айрим олимлар бу ҳодиса қадимдан мавжуд — табиат жумбоғи, эҳтимол чақин чақиши жараёнида ҳосил бўлган «нақшлар» дея тахмин қилишади. «Кашталар»ни кўзи билан кўрганларнинг баъзилари эса ўзларидаги тузалмас хасталиклардан халос бўлиб кетганликларини тан олиб гапиришади... Хуллас, табиатнинг ҳали инсон ақли етмаган мўъжизаларга бойлигига тан бермай илож йўқ.

## ҲАЙРОН ҚОЛМАЙ БЎЛАДИМИ!..

Дунёда инсонлар билан боғлиқ шундай ҳодисалар ҳам борки, улардаги икки томчи сувдай бир-бирига ўхшашликни кўриб, беихтиёр ёқа ушлайсиз. Мана, бир мисол: АҚШнинг икки собиқ президенти Авраам Линкольн ва Жон Кеннеди тақдирларига доир аксарият деталлар ўзаро жуда мос тушади. А.Линкольн 1847 йили Конгрессга, 1860 йили президентликка сайланган. Ж.Кеннеди эса айни шу ўринларга 1947 ва 1960 йиллари сайланган. Улар иккаласи ҳам 24 ёшли аёлларга уйланишган. Линкольннинг Кеннеди фамилияли котиби бўлган, Кеннеди котибининг фамилияси эса Линкольн бўлган. Линкольн ва Кеннедиларнинг вафотларидан кейин сайланган президентларнинг фамилиялари ҳам бир хил — Жонсон (Линкольндан кейин — Эндрю Жонсон, Кеннедидан сўнг Линдон Жонсон). Эндрю ва Жонсон бир-бирдан 100 йил фарқ билан туғилишган (1808 ва 1908 йиллар). Жуда кўп ҳужжатларнинг далолат беришича, Линкольн ҳам, Кеннеди ҳам ўз ўлимларини олдиндан сезишган... Хўш, бу «тасодиф»ларни шарҳлаб беришнинг иложи бормикан? Балки қачондир фан ана шундай, бир қарашда жўн туюладиган жумбоқларга жавоб топар.

## «ҚАРИ ҚИРЧАНҒИЛАР»

«Биз ҳаммамиз бир қадар қари қирчанғилармиз» , дейди машҳур кинорежиссёр Элдор Рязанов. Унинг филмларини ўзбек томошабинлари мароқ билан кўришади. Айниқса «Автомобилдан сақланинг», «Тақдир ҳазили» филмлари бизда ҳам машҳур.

Яқинда Москвада Э.Рязановнинг янги «Қари қирчанғилар» кинофилмининг тақдимоти бўлиб ўтди. «Танланган» томошабинларнинг кинодан олган таассуротларини режиссёр шундай ифодалайди: «Намойиш чоғида залда ўтирганларнинг кулги, қаҳқаҳаси-ю қарсаклари, томоша тугагач янграган олқишлар, залдан чиқиб кетаётганлар кўзидаги ёш... Ижодкор учун бундан ортиқ мукофот бўладими?..» Шубҳасиз, ўзбек томошабинлари ҳам Э.Рязановнинг «қирчанғилари»ни сабрсизлик билан кутадилар.

## СЕНТ-ЭКЗЮПЕРИ: ИНСОН ВА АЭРОПОРТ

«Кичик шаҳзода»ни ўқиганмисиз? Бу мўъжазгина китоб дунёда энг кўп нашр этиладиган асарлар сирасидан. Унинг муаллифи француз адиби Антуан де Сент-Экзюпери таваллудига бу йил ёзда 100 йил тўлди. Шу муносабат билан Франциянинг Париж, Лион ва бошқа шаҳарларида юбилей тантаналари бўлиб ўтди. Болалигидан «учиш дарди»га дучор бўлган адиб 44 ёшида ўзи бошқарган самолётда сирли равишда ғойиб бўлади. У билан боғлиқ бу фожиали жумбоқ ҳануз очилгани йўқ. Адибнинг 100 йиллигига атаб Лион шаҳридаги аэропортга унинг номи берилди, эндиликда бу расман «Лион-Сент-Экзюпери» аэропорти деб юритилади. Парвозни ва ёзувчиликни бирдай жонидан ортиқ кўрган адиб асарларида эзгуликни ҳавас қилгулик бир самимият билан тараннум этган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Миржалол Турсуновга онаси, Ўзбекистон халқ шоири Миртемирнинг умр йўлдоши

**ЁРҚИНОЙ ая**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, адабиётшунос олим

**Тожи ҚОРАЕВ**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила — аъзолари ва дўст-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

*НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ*

**Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ**

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SANATI

2000 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Қабулхона — 133-52-91

*Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48*

*Ижтимоий ҳаёт, наср ва назм бўлимлари: 136-56-50*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди — 20.00.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 809. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

Тиражи—6288.